

## ЁШЛАР ОРАСИДА НУТҚ МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Худайқулов Хол Жумаевич

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллый унверситети “Педагогика ва умумий психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори.

Абдуразаков Фазлиддин Абдунаевич

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси доктаранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7271962>

**Аннотация.** Уибу мақолада инсонлар орасида бўладиган ўзаро муомала ва мuloқатни шакллантиришида нутқ маданиятиданинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Одоб нуқтаи назардардан инсоннинг нутқи орқали жасамиятда комил инсонни ўзига хос ҳислатлари кўзга ташланади. Булар меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, адолату, диёнат, ҳаё-ю иффат, зарофату назокат, вафо-ю садоқат, ҳиммату саҳоват, фидо-ю оқибат, иззату ҳурмат, имон-эътиқод кабилар нутқи орқали кўзга ташланади. Очиқ юзли, хушхулқ, хушмуомала одам андеша ва фаросат эгаси бўлади. Шундай гўзал сифатларга эга бўлган одам билан ҳамсуҳбат бўлиши роҳатдир, аксинча ёмон хулқли инсон доимо нафратни қўзгайди. Чиройли нутқли, доно инсон ҳамиша нотиқлик билан бошқалар орасида ўз обрусини оширади.

**Калим сўзлар:** Нутқ одоби, сухандонлик, адолату, диёнат, ҳаё-ю иффат, зарофату назокат, вафо-ю садоқат, ҳиммату саҳоват, фидо-ю оқибат, иззату ҳурмат, имон-эътиқод, очиқ юзли, хушхулқ, хушмуомала одам, нотиқлик, гўзал сифатлар, чиройли нутқли.

## ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ РЕЧЕВОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ

**Аннотация.** В данной статье особое значение имеет роль культуры речи в формировании взаимодействия и общения между людьми. Это любовь, сострадание, справедливость, религия, скромность и целомудрие, благодать и нежность, верность и преданность, приверженность и великодушие, самопожертвование и последствия, честь и уважение, вера и убеждение. Обладателем мыслей и проницательности будет человек с открытым лицом, добродушиный, вежливый. С человеком, обладающим такими прекрасными качествами, приятно общаться, с другой стороны, человек с плохим характером всегда вызывает ненависть.

**Ключевые слова:** Этикет, справедливость, религия, скромность, целомудрие, грация, нежность, верность, самоотверженность, великодушие, самопожертвование, достоинство, уважение, вера, Открытый, добродушиный, вежливый человек, красноречие, прекрасные качества, хорошо -разговорный.

## SPEECH CULTURE DEVELOPMENT TECHNOLOGIES AMONG YOUTH

**Abstract.** In this article, the role of speech culture in the formation of interaction and communication between people is of particular importance. These are love, compassion, justice, religion, modesty and chastity, grace and tenderness, fidelity and devotion, commitment and generosity, self-sacrifice and consequences, honor and respect, faith and conviction. The owner of thoughts and insight will be a person with an open face, good-natured, polite. It is pleasant to communicate with a person with such excellent qualities, on the other hand, a person with a bad character always causes hatred

**Key words:** Etiquette, justice, religion, modesty, chastity, grace, tenderness, loyalty, dedication, generosity, self-sacrifice, dignity, respect, faith, Open-faced, good-natured, polite person, eloquence, beautiful qualities , well-spoken.

## КИРИШ

Инсонга зийнат бағишлийдиган фазилат одоб-ахлоқдир. Ахлоқ илми ях-шилил билан ёмонлик ўртасидаги мураккаб муаммолар ҳақида баҳс юритиб боради. Бу борада мақоланинг кириш қисмida сухандонлик, чиройли муомалани қандай шаклланиши ҳақида сўз юритилса, инсоннинг мақсадгага эришиши янада самарали бўлиши ёритилган. Ҳар бир одам бир олам бўлгани каби, ўша инсоннинг одоб-ахлоқи ҳам жуда мураккаб бўлиб, уни иккинчи олам десак адашмаймиз. Одобли, комил инсонда одамийликнинг қатор яхши ҳислатлари: меҳр-муҳаббат раҳм-шафқат, адолату диёнат, ҳаё-ю иффат, зарофату назокат, вафо-ю садоқат, ҳиммату саховат, фидо-ю оқибат, иззату ҳурмат, имон-эътиқод кабилар му-жассам топган. Ҳар бир халқнинг нуфузи ва обрў-хурмати кишиларнинг одоб-ахлоқ, яхши ҳислат-фазилатлари билан белгиланади. Қадимги файласуфлар одоб-ахлоқ жамиятнинг пойдевори деганлар. Бир қутурган буқа бу-тун подани тарқатади, деганларидек, ахлоқсиз, ёлғончи, риёкор, ҳасадгўй, маккор шахснинг таъси мингга уриб, жамиятта катта зарар етказади. Шунинг учун жамиятдаги ҳар бир шахснинг хулқи-одобига алоҳида эътибор бериб, унинг чиройли гапириш одамлар орасида алоҳида аҳамиятга эгадир. Яхшининг ёмон бўлиши осон, лекин ёмоннинг яхши бўлиши қийин. Дунёда одам боласи ёмонлик билан яхшиликтнинг остонасида турадики, арзимас бир ички ёки ташқи сабаб билан остонаядан чиқиб ё ёмонлик томон, ё яхшиликтнинг кетиб қолади.

Мақоланинг назарий жиҳатларига тўхталар эканми, албатта унинг тарихий жиҳатларига эътибор қарқтиб, сухандонликнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади. Агар одам боласи ёмонлик сари кетган бўлса, дин уни бу разолатдан қайтарган. Диннинг тарғиботида инсоннинг тўғри йўлдан юриши одоб тараққиётининг замини дейилади. Чиндан ҳам шундай! Жамиятда тўғри йўлдан юриш ибратли йўлга қўйилса, ўша жамиятда одоб-ахлоқ гуркираб ўсади, одамлар нурафшонлик ва фаровонлик топади. Тўғри йўлдан юришнинг ҳикмат ибратлари ниҳоятда чексиз. Тўғри йўлдан борган одам орзу- ниятининг манзилига албатта, етади .

Дунёда инсонга тухфа этилган “АҚЛ” неъмати шундай қудратли кучки, у билан одам ўзини истаган ҳолатда тарбия эта олади, ҳар қандай азоб машаққатни, ҳар қандай ёмонликни, энг мураккаб муаммоларни ҳам “АҚЛ” неъмати билан енгади ва ҳал этади, руҳий камолот одам қалбида ахлоқ-одобнинг юксак кошонасини яратади. Бунга уни одам илми чорлайди.

## МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ақл заковатнинг камоли ўқиши, ўрганиши, таҳлил этиши, идрок қилиш, эътиқод қилиш, ҳаёт тажрибасини эгаллаш билан белгиланади. Ёш ниҳолнинг барваста дарахтга айланиши парваришига боғлиқдек, одам боласи комил инсон бўлиб етишиши учун уни мурғаклигидан тарбиялаб бориш лозим. Ота-оналар ва катталар ёшларнинг келажак баҳт-саодатини ва уларнинг етук инсон бўлишидан фахр-гурур лаззатини сурмоқчи бўлсалар, болалик чоғидан ақл-заковатининг ўсишига алоҳида дикқат-эътибор беришлари керак.[8,42.]

Инсон яшар экан, фақат еб-ичиш, яхши кийиниш, фаровон турмуш кечириш билангина ҳаёт кечиролмайды, унга маънавий-маданий озиқ керак. Бу илм-фан, ақл-заковат, санъат-адабиёт, касб-хунар, ҳиммат-ибратдан иборат бўлиши керак. Ана шунда ҳар томонлама одобли, комил инсонларгина етишади. Инсон - ақлли хилқат, шунинг учун у кўп ҳислат, фазилатлар соҳибидир. Унинг энг гўзал ва диққатталаб хусусиятлари, биринчи галда, одамлар билан муносабатларида намоён бўлади.

Шириңсўзлик - инсон қалбининг дуру гавҳаридир.

Донишмандларнинг “Юзига боқма, сўзига боқ“,- деган ҳикматлари айни ҳақиқатдир. “Агар инсон покиза, ҳасаддан йироқ, одамларга қайишадиган, доимо уларнинг оғирини енгил қилишга тайёр турадиган, меҳру шафқатли бўлса, унинг ташқи жозибаси диққатталаб бўлмаса-да, кишилар кўзига гўзал ва ёқимтой бўлиб кўринади. Борди-ю, ташқи тузилиши хушбичим, қиёфаси кўркам, ҳусну жамолда ягона бўлса-ю, лекин табиатан заҳар-заққум, кўпол-сўз, дилозор, худбин, ўзига бино қўйган, такаббур бўлса, ундан одам эл кўзига илондай совук, хунук, ёқимсиз бўлиб кўриниши табиий. Инсон-инсон номига хос одамий фазилатлар эгаси бўлиши керак. Акс ҳолда, у ким бўлишидан қатъи назар, кўпчилик назаридан қолади.” дейди Ҳусайн Воиз Кошифий айтади.[6,24.]

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Мақоланинг **амалий жиҳатларига** эътибор берадиган бўлсак, ҳар қандай ширин сўз одамларни илҳомлантиради ва янги имкониятларни яратади.

Гўзал феъл-атвор ва нотиқлик саъатининг нишонаси ўн икки нарсадир: **биринчи** нишонаси - яхшилик; **иккинчи** - инсофли бўлиш; **учинчиси** - бошқа одамдан айб қидирмаслик; **тўртинчиси** - бирор одам ножўя ҳаракат қилса, уни яхши йўлга солиш; **бешинчиси** - бир одам ўз айбига иқрор бўлиб, узр айтса, узрини қабул қилиш; **олтинчиси** - бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш; **еттинчиси** - фақат ўз манфаатини кўзламаслик; **саккизинчиси** - очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш; **тўққизинчиси** - муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш; **ўнинчиси** - мулойим ва тавозели бўлишдир, **ўн биринчи** – эътиборли бўлиш; **ўн иккинчи** – сезгир бўлишдир.[6,62.]

Одатда, хушодоб, маданиятли кишилар одамларга нисбатан эътиборли ва сезгир бўладилар. Ҳалқимизда “Сухандонлик саломдан, иш интизомдан бошланади”, деган ҳикматли ибора бор. Дарҳақиқат, салом билан бошланган сұхбат, ёмон ниятни қайтариб, ёпиқ эшикларни очар ва нифоқларни йўқотар экан. Очиқ юзли, хушхулқ, хушмуомала одам андиша ва фаросат эгаси бўлади. Шундай гўзал сифатларга эга бўлган одам билан ҳамсұхбат бўлиш - ёмон хулқли, қўрс бир олим билан ҳамсұхбат бўлишдан кўра яхшироқдир. [6,59.]

Бир фозилдан: “қайси фазилат энг яхши фазилат саналади?” - деб сўрадилар. Фозил: “Кўпак юзли, ширин сўзли, хушмуомалии бўлиш”, - деб жавоб берди.

Барча ишдан хулқи хуш яхши эрур,

Хулқи хуш одамни эл иззат қилур. [11,29.]

Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулқ-атвортарига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзларини қандай тутиб, нима ҳақида фикрлашиб, не сўз билан ўз мақсадларини тушунтиришларига катта аҳамият бериш, қўрслик қилиш, кишилар сұхбатига аралashiш, гап сўрамаганда ҳам маҳмадоналик қилиб, ўзларини ақлли кўрсатмоқчи бўлиш каби ножўя ишларга зинҳор-базинҳор йўл қўймаганлар. Бу нарсаларга фарзанд тарбиясининг энг муҳим томони деб қараганлар.

Халқ достонларини ва тарихий асарларини кўп ўқиган киши шарқона урф-одатларимизнинг ўзига хос таъсирида ўсади, улар оҳанграбодек одамни ўзига тортади. Очигини айтганда, ҳозирги пайтда олиму адилар ва бошқа етук мутаҳассис саналмиш таниқли кишилар орасида тарбия кўрган кишилар, хусусан, болаларнинг муомаласи, маданияти ва маънавияти қўнгилдагидек эмас. Чунки бу хонадонларда Шарқ тарбияси, шарқона удумлар умуман, унутилиб юборилган ёки унга эскириб қолган ақида, деб қаралган. Ҳолбуки, ўша унутилган ўзбекчилик урф-одатлари бугунги янгича ақидаю, янгича тушунчаларимиздан минг марта устун эканлиги ошкора исботу далилини топмоқда. Фарзандларни ҳар томонлама кўркам, гўзал қилиб камолга етказишда орқага қайтиб, тарбия ўша шарқона услубда бошланса, фойдадан ҳоли бўлмайди, дарз кетган маданияту маънавиятимизни бир қадар тиклаб олишимизга хизмат қиласди. Дунёда инсондан қимматлироқ, унинг умридан азизроқ нарса топилмайди. Инсон кўрки, инсон қадру қиммати ўзининг одамийлиги, ширинсуханлиги, бировларни ҳам ўзидаи асрлаб-авайлай олиши, ундан ҳурмат ва эҳтиромни дариф тутмаслик каби фазилатлари билан ўлчанади. Халқимизда “Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой каломинг бўлсин”, - деган гаплар борки, бу шунчаки айтилган нақл эмас, балки инсон ҳулқ-атворини, одамийлик ҳислатини обдон ўрганиб, тажрибадан ўтказишнинг ибратли ҳосиласидир. Ҳа, дарҳақиқат инсоннинг тили ширин бўлса, уни катта-ю кичик ҳурмат қиласди, гапига қулоқ солади. Ширин тиллик инсонни баҳту саодатга элтади, кишининг қалбига, дилу жонига маънавий озуқа беради. Шунинг учун ширинсуханликка ёшлиқданоқ ўрганиш керак. Ширин сўз ҳам, ёмон, бемаза сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Ана ўша оғизни ширин сўзликка мойил қилиш лозим. [12.44.]

Сўз - қудратли куч. Ундан ўринли фойдаланиш эзгулик сари, ноўрин фойдаланиш эса ёмонлик сари олиб боради. Кичик бир оиланинг тинч бўлиши ҳам, бутун ер куррасининг тинчлиги ҳам сўзнинг қудратига боғлиқ. Кишилар ноахил бўлсалар уйдан ҳам, юртдан ҳам барака қўтарилади. Уруш-жанжал бошланади. Бир донишманндан шогирдлари:

- Нима қилсак тинч ва роҳатда умр кечирамиз? - деб сўрадилар.

Донишманд:

- Ҳеч қаерда ҳеч кимга бирорта сўз сўзламанг, сукут этинг, - деб жавоб берди.

Шогирдлари:

- Ахир, доим сукут этиб юраверамизми, бу мумкинми? Бошқача йўл кўрсатинг? - дедилар.[8,12.]

Донишманд шундай маслаҳат берди:

- Сукут эта олмасангиз, сўзланг, лекин қисқа ва маъноли сўзланг, оғзингиздан сира ҳам ножӯя сўзлар чиқмасин. Ёмон сўз тингловчиларнинг қўнглини хира қиласди, бундан сақланинг. Байт:

Яхши сўздан кўрсанг меҳру вафо,

Номуносиб сўзласанг, еткай жафо.

Сўз орқали инсонларнинг тафаккури, фикри англашилади, сўзлаш маданияти орқали у кишининг одоби, келиб чиқиши, наслу наслаби, ота-онаси ва устозининг берган таълимтарбияси намоён бўлади. Инсоннинг яшаши учун сув билан ҳаво қандай зарур бўлса, унинг маънавий камол топишида ширинсуханлик шунчалик зарурдир. Инсон эзгуликка, буюк мақсадларга эришишида дўст-биродарларини бисёр этишда, ҳар қандай мураккаб

муаммоларни ижобий ҳал қилишда ширинахан бўлиши катта аҳамиятга эга. Ширинаханлик - инсон қалбининг дуру-гавҳари. Шундай ҳислатлар билан ҳазрати Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Абдуқодир Бедиллар халқлар ўртасидаги низоларни бартараф этиб, уларни яқдил қилганликларидан тарих шоҳидлик беради. Шунинг учун ҳам инсонлар ёшликтан ширинаханликка, кам гапириб, кўп ўйлашга ўрганишлари, бир оғиз сўзнинг улкан, қудрати буюк эканлигини тушунишлари лозим.

Қадим-қадимдан маълумки бир оғиз ширинахан сўз билан муродга етганлар, бир оғиз аччиқ сўз билан боши кетганлар бор. Доно ота-боболаримиз ширинаханлик, ўринли сўзловчилар ҳақида шундай дейдилар:

“Ўз вақтида сўзлаб, фурсатни ғанимат билган, ўринсиз сўздан сақланиб, саломат юрган кишига Тангри раҳму шафқат қиласди”. Ёки: “Тилини тузатган кишига Тангрининг раҳмати бўлсин” каби ширинаханлик, яхши сўз инсон ҳис-туйғуларига майнинлик, қалбига ором бағишлади. Ширинаханлик кишиларга ҳамиша хушнудлик, обрў-эътибор, баҳт-саодат, хузур-ҳаловат ато этади. Шунинг учун ҳам донишмандлар: “Ширинаханлик жон озиги”,-дайишган. Ширинаханлик киши ўз сўзи, иборасини ўзгалар дили, қалбига озор бермайдиган қилиб, хуш-одоблик билан ифода этади. Айни вақтда у ўз одобини, хулқини намоён этади. Тил-инсон тафаккурининг маҳсули. У инсон маданияти, фикрий гўзаллигини, яхши, ибратли, ҳавас қиласа арзийдиган фазилатларини юзага чиқарув-чи воситадир. Унинг кишига бўладиган таъсири ҳам шунга яраша.

Инсон хаста бўлса, ўта нозик бўлиб қолиши ҳаммага маълум. Ҳа, сўзда ҳам сўз бор, албатта. Сўзлар борки, кишида қанот пайдо қилиб кўкларга кўтаради. Сўзлар борки, уни қора ер қилиб, ўз касрига тортади.

Тарбияшунос бир доно тил одоби ҳақида сўзлаб:

“Рост ва тўғри, қисқа ва мазмунли гапиришни мақтаб, маҳмадоналиқ ва лақмаликни, хусусан, ўринсиз ва ёлғон сўзлашни қаттиқ қоралабди. Тилга эҳтиёtsиз киши ўз бошига мусибат келтириши мумкин, яъни: қора бош ёғийси қизил тил турур (қизил тил қора бошнинг душманидир)”, - дебди.[5,27.]

Шуниси қизиқарлики, сўз киши танасига турлича таъсири этади. Инсон ҳар доим навқирон, бардам бўлиши учун бошқа одамларни ранжитмаслиги, дилини вайрон қилмаслиги ҳамда ўзи ҳам хуштабиат бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳалқимизда “Хайру эҳсон билан мушкулни осон қилмаса ҳам, ширинахан сўз билан кўнгилни тоғдек кўтаради”, - деган ибора ишлатилади.

Инсон икки нарса туфайли қарилек нималигини билмайди. Уларнинг бири хушхулқ, иккинчиси эзгу сўздир. Ер юзида инсондан қоладиган мерос - яхши сўздир. Унинг ўзи оламдан ўтиб кетади, ширинахан эса мангу қолади.

“Сўздан сўзнинг фарқи бор, олмиш олти нархи бор”, - деганларидек, ҳар кимлар олдида оғизга келган гапни қайтармай маҳмадоналиқ қилиш одам қадрини тушириб кўяди. Гапни етти ўйлаб, бир айтиш керак. Мулоҳаза билан камгаплик ҳам бир фазилатдир. Гапирганда ҳам одоб сақлаб, суҳбат мазмуни ва суҳбатдошлар табиатига қараб, маъни-мантиқли, фойдали сўзларни топиб, дона-дона гапириш эса эл орасида кишининг обрўсини оширади, азизу мўътабар қиласди.

Оз е, оз ухлагин, яна оз сўзла,

Кўп сўз охир эл ичидаги хор айлар,

- деб ёзганида ана шуларни назарда тутган.[7,28.]

## МУХОКАМА

Хозирги замонда нутқ маданиятининг ёшлар орасидаги ўрни. Яхши сўзлаш ҳам буюк санъатдир. Ҳар нарсанинг чегараси бўлгани каби, киши фаолиятининг барча қирралари, жумладан, сўзлашиш санъатининг ҳам одоб доираси бор. Яхши, ширин, одобли сўзлашиш учун қўйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Сўзнинг мантиқи, гўзаллиги ва бойлиги инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топишида, кишилар хурматини қозонишида муҳим аҳамият касб этади. Сўзлари сермазмун, мулойим кишиларнинг гапини мириқиб тинглай-дилар. Яна-яна тинглашни қўмсад юрадилар.
2. Ширинсуҳанлик, гўзал нотиқлик санъатига эга бўлиш ҳам баҳтдир - нутқи ширин кишиларнинг дўсти, ёру биродари кўп бўлади. Ширин ва оқил сўз - умр озиғи ва дўстликнинг мустаҳкам қалитидир.
3. Ширинсўзлик киши умрини узайтиради.
4. Сўзлашиш меъёрини ҳам билиш керак. Кўпгапириш одобдан эмас. Сукут сақлаш яхши одоб, сўзни қисқа, аник ифодалаш - катта санъатдир. Сўз - гавҳардир. Гавҳар эса оз нарсадир. [7,48.]

Хусайн Воиз Кошифий айтади:

Гўзал хулқ-атворга эга бўлган ва сухбат одобларига риоя қилган одам ҳамманинг муҳаббатини ўзига жалб этади, қаерга борса, иззат ва хурматда бўлади.

Тил - қудратли нарса, нутқ эса унинг асосини ташкил этади. Бу билан адид нутқимизни қашшоқликка олиб келган сабабларини очиб беришга интилади. Бу гаплар анча олдин айтилган бўлса-да, ҳали-ҳали ўз қадрини йўқотмаган. Дарҳақиқат, хозирги кунда нутқ маданиятининг пасайиши айниқса, ёшлар - келажак авлод орасида кенг кўзга ташланади. Телевизор ёки радио орқали чет эл сўзларининг улар нутқига кириб келиши аянчлидир. Оқибатда уларнинг баъзан қайси тилда сўзлашаётганини ҳам тушуниб бўлмайди. Чунки улар нутқида bemalol инглиз, рус, ўзбек тилининг қоришмасини кўриш мумкин. Собиқ СССРдан ёдгорлик сифатида бизга кўп нарса, шу билан бирга нутқимизнинг салбий томонга ўзгариши қолди. Бу эса бизнинг қадим-қадимлардан бери, асрлар давомида тараққий этиб келаётган ўзбек тилимизнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлиши мумкин.

Тил - миллат кўзгуси. Тилни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг инсо-нийлик бурчидир. Шукрлар бўлсинки, республикамизда ўз она тилимиз - ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу воқеа 1989 йил 21 октябр куни рўй берди. Бу ўзлигимизни танишга олиб келди, келгусида ўзбек тилининг янада тараққий этишига йўл очмоқда. Ҳар бир инсон ўз тилини мукаммал ўрганиши, билиши лозим, чунки, тилга эътибор - элга эътибор.

Лекин нутқнинг ўзгариши тилимизнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Нутқ қанчалик ривожланса, тил шунчалик гўзаллашади. Афсуски, хозирги даврда айрим ёшларнинг тилга бўлган эътиборсизлиги, улар нутқининг пасайишига олиб келяпти. Инкор этиб бўлмайди, ахборот технологиялари, саноат, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа соҳалар ривожлангани каби, радио ва телекоммуникация соҳасида ҳам маълум ютуқлар қўлга киритмоқда. Айниқса, телевизор ва радионинг одамлар, халқ орасидаги аҳамияти катта. Лекин радио ва телевизорда чиқадиган айрим сухандонлар, бошловчилар ўз билим даражаси етарли бўлмаганидан ёки ўз тили ва нутқига бефарқ бўлганидан, ўзларининг bemaza сўзлари, қиликлари орқали миллионлаб одамларга таъсир ўтказмоқда. Ёки ёшлар орасида, айниқса,

хитга айланадиган қўшиқчиларнинг ҳеч бир ўринли бўладиган томонлари йўқ. Бўлар-бўлмас, билса-билимаса мода, деб чет эл сўзларини ўз қўшиқларига қўшиши ғирт аҳмоқликнинг нишонасиdir. Донолар айтибдурлар: “Эй, фарзанд... Сўз тўрт хил бўлади: биринчиси, билишга ва айтишга ҳожати йўқ сўзлар; иккинчиси - билишга ва айтишга зарур бўлган сўзлар; учинчиси - билишга зарури йўқ, аммо, айтса бўладиган сўзлар; тўртинчиси - билса бўладиган, аммо, айтишга ҳожати йўқ сўзлар”. [5,64.]

Аммо, айтиладиган ва билинадиган сўз шундай бўладики, дунёning яхшилиги шу сўзга боғлиқ бўлади. Бундай сўзни айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам кўп манфаати бор.

Билиш мумкину, гапириш мумкин бўлмаган сўзлар шундай бўладики, бир дўст кишининг айби сенга маълум бўлади. Ақл томондан ўйлаган вақтда уни айтиш беҳаёликдир.

Эй, фарзанд, ҳамма вақт тўғри сўз гапир. Шошилишдан қочгин... Ҳар бир сўзга қулоқ сол, тезлик қилма. Ўйламасдан сўзлама, ҳар бир сўзни ўйлаб гапир, то айтган сўзингдан пушаймон бўлмагайсан. Совуқ сўз сўзлама. Совуқ сўз бир уруғ, ундан душманлик ҳосил бўлади”.[5,36.]

### XULOSA

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, давлатимиз ўз олдига малакали, мутаҳассисларни етиштиришни мақсад қилиб қўйган экан, энг аввало, уларнинг тилига, нутқига эътиборни кучайти-риш лозим. Бу ўринда ҳар бир инсон бунга эътиборни қаратиши керак. Ўз нутқимизни яхши сўзлар билан бойитмоғимиз керак.

Ҳар бир сўз, ҳар бир иборани киши қалбига сингдирадиган тарзда етказа билиши ҳам санъатdir. Бу хусусият - олижаноб мақсад йўлида - келажак авлодни умуминсоний руҳда тарбиялашга катта ёрдам беради.

### REFERENCES

- Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
- Мирзиёев Ш.М. Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича беш ташаббус. - Т.: “Сиёсат”, 3 апрель 2019 йил.
- Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.Б-136.
- Кайкавус.Қобуснома.-Т.:Ўқитувчи.2011 й.Б-244.
- Имомов К., ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 4-14. ;– Б.142-169.
- Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. – Т., Фан, 2010 й. Б-238.
- Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғоти-турк». –Т.:Фан.2001.-Б. 42-48.
- Худойқулов Х.Ж. Комиллик фазиллатлар.. - Т.: Инновация-Зиё, 2021 – Б. 244.
- Худойқулов Х.Ж. “Комиллик фазиллатлари.-Т.:Инновация-Зиё. 2021.Б-184.
- Худойқулов Х.Ж. Талабалар учун тарбиявий толибнома. –Т.: Инновация-Зиё. 2020 й.Б-246.
- Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. - Т.: MUMTOZ SO’Z, 2008.
- Фармонова Музайямхон “Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси”. Тошкент, Тасвир нашриёт уйи. 2020 й. Б-215
- Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиқ.-Т.: фан. 2012 й. Б-142.